

Физика Дарсларида Ва Тўгарак Машғулотларида Дидактик Ўйинлардан Фойдаланиш

Ў. Н. Султонова¹

Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, уларни ақлий қобилиятларини ўстириш, физика фанини ўқитишдаги энг муҳим психологик ва педагогик муаммо. Бунинг учун ўқитишнинг фаол методларидан, таълим ва тарбиянинг ноанъанавий шакл ва усулларидан кенг миқёсида фойдаланиш, жисм ва ҳодисаларнинг уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ҳаракати ва ривожланиб бориши асосида ўрганиш тақазо этилади. Бунда, айниқса, ўқувчиларнинг ўйин фаоллигини ошириш, янги билимларни ўзлаштириши, уларда ўқув ва қўнималарини шакллантириши ҳамда ривожлантириши, умуман физикани ўрганиш жараёнининг самарадорлигини ошириши катта аҳамият касб этади. Дидактик ўйинлар давомида ўқувчиларда ҳосил бўладиган ижобий ҳис-ҳаяжон туйгуси уларни чарчашдан асрайди. Уларнинг интелектуал қобилиятини оширади.

Дидактик ўйинлардан физика ўқитиши жараённида фойдаланишнинг умумий масалалари, илмий методик адабиётларда анча кенг ёритилган бўлса ҳам, уларда асосий эътибор масалалар ечиш ва қонунларга қаратилган. Ваҳолангки, физика фанини ўзлаштириш ўқувчиларга анча қийинчилик түғдириши ва унинг баъзи масалаларини ечишда ноанъанавий ёндашувлар талаб этилиши табиийдир. Бунинг бир қатор илмий-назарий, методик ва дидактик сабаблари борки, улардан ҳар қандай маҳоратли физика ўқитувчиси кўз юма олмайди. Шунинг учун физика фанини ўқитишда, янги педагогик технологиялар, ноанъанавий усул ва шакллардан фойдаланиш талаб этилади. Айниқса, дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, топкирлик, изланувчанлик, ҳозиржавоблик, мантикий хуласалар чиқара олиш, ўз устида ишлаш маълум ва номаълум жиҳатларни солиштира олиш, мавжуд билимларга таяниб мушоҳада юритиш каби имкониятларини ишга солишида ёрдам беради.


Физика фанини ўрганиш жараённида, ўқувчиларнинг дарс ва тўгарак машғулотларда дидактик ўйинлардан намуналар келтирамиз. Бу дидактик ўйинларда юкори қўрсаткичга эришиш учун дарслер ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Физик лугат ўйини: Ўқитувчи битта ҳарфни доскага ёзади, ўқувчилар эса, ўша ҳарф билан бошланадиган физик термин, физик катталиқ, физик асбоблар, ўлчов бирликлар ва хоказоларни дафтарларига ўзларича ёзадилар. Кейин қайси ўқувчи нечта ибора-термин ёзганини айтади. Ўқитувчи айланиб текшириб юради, ким кўп ёзган бўлса, у ўқувчи биринчиликни олади. Кейин ўша ўқувчининг топган сўзлари, орқада қолган ўқувчиларда бўлмаган сўзлари доскага ёзилади ва ҳамма ўқувчилар доскадан ўзлари топа олмаган сўзларни кўчириб оладилар. Масалан, Т ҳарфи тезлиқ, товуш, табиат, тормоз, тебраниш, температура, термодинамика, Томсон, Тесла, термоядро, тезлатгич, такомак, тортилиш, транзистор, трансуран, турбулент, тутун, тўлкин, текис тезланувчан, текис секинланувчан каби сўзлардир..

А. Акселереометр, аморф, атом, Авогадро, акустика, альфа, антимодда, атмосфера, астрофизика, алюминий, адиабатик, абадий, асосли, ангстрем, анероид, ареометр, амперметр, абсолют узайиш, аморф, анизотроп, айлана ва ҳ.к.

$$\begin{aligned}
 & \text{Физик формуласар} \quad \text{бўйича} \quad \text{дамино} \quad \text{ўйини} \quad \text{қўйидагича} \quad \text{давом} \quad \text{этади:} \quad v = \frac{s}{t} \rightarrow t = \\
 & \frac{s}{v} \rightarrow v = v_0 + at \rightarrow t = \frac{v - v_0}{a} \rightarrow a = \frac{v^2 - v_0^2}{2s} \rightarrow s = v_0 t + \frac{at^2}{2} \rightarrow t = \frac{A}{N} \rightarrow N = \frac{A}{t} \\
 & t = \frac{A}{IU} \rightarrow U = IR \rightarrow R = \rho \frac{l}{s} \rightarrow S = \frac{F}{P} \rightarrow P = nkT \rightarrow T = \frac{2E_k}{3K} \rightarrow k = \frac{R}{N_A} \rightarrow N_A = \frac{N}{V} \rightarrow v = \frac{m}{\mu} \rightarrow \mu = m_b N_A \rightarrow \\
 & \rightarrow N_A = \frac{NRT}{PV} \rightarrow T = \frac{P}{nK} \rightarrow k = \frac{2E_k}{3T} \rightarrow T = \frac{P}{nK}; n = \frac{N}{V} \rightarrow V = \frac{m}{\rho} \rightarrow \rho = \frac{m}{V} \rightarrow V = Sh
 \end{aligned}$$

¹ Термиз муҳандислик- технология институти

Физик атамалардан ташкил топган домино ўйини.

тартибда давом этдирилади. Физик сўзлардан ташкил топган домино ўйинида ўқитувчи биринчи сўзни айтиб доскага ёзди, охирги харфидан физик сўзлар билан давом эттирилади.

«Физик лингвистика»

Тил қонунлари, нутқ жозибалари билан лингвистика шуғулланади. Физика тили жуда бой, унинг имкониятларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга катта хизмат қилиши мумкин. Турли физик катталиклар, конунлар, бирликлар билан боғлиқ бошқотирмалар ўқувчиларни сўзамолликка, топкирликка ва ҳозиржавоблилкка ўргатади. Бу тадбир ҳам, энг аввало, уларни мустақил ишлашга, кўшимча билим олишга, физика фанининг ёзма ва оғзаки тил имкониятларидан фойдаланишга ундайди.

Қуйидаги саволларга тўғри жавоблар топиб, уларнинг бош ҳарфларини келтирилган бўш ката克拉рга жойлаштирилса, ҳикматли сўзлардан бири келиб чиқади ва у ўқувчиларда физика фанининг кудратли табиий фанлардан бири эканлигини узоқ вакт эсада сақлаб туради.

Биз дарс ва дарсдан ташқари машгулотларда лингвистик дидактик ўйинлардан намуналар келтирдик, бунда ҳам маъносини, ҳам топишмок жавобини топиш талаб этилади.

1- топширик: Қуйидаги саволларга тўғри жавоблар топиб, уларнинг бош ҳарфларини келтиришган бўш ката克拉рга жойлаштирилса, ҳикматли сўзлардан бири келиб чиқади ва у ўқувчиларга физика фанининг кудратли табиий фанлардан эканлигини узоқ вақт эслатиб туради.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ф	И	З	И	К	А	Ф	А	Н	И

11	12		13	14	15	16	17	18	19
М	У	Ҷ	Ж	И	З	А	Л	А	Р

20	21	22	23	24	25	26
М	А	Й	Д	О	Н	И

1. Турли моддалардан ташкил топган жисмларга деб айтилади.
2. Жисм шундай ҳаракат қилиши мумкинки, унинг ихтиёрий икки нуктасини туташтирувчи тўғри чизик жисм кўчганда ҳам, ўз-ўзига паралеллигича қолишига..... ҳаракат дейилади.
3. Модданинг ҳажм бирлигига тўғри келадиган массасигадейилади.
4. Бир жисмга бошқа жисмнинг таъсири тўхтагандан сўнг жисм тезлигининг ўзгармаслигидейилади.
5. Бир жисмнинг иккинчи жисмга кўрсатадиган таъсиригадейилади.
6. Тезланишни ўлчайдиган асбоб.....
7. Ҳодисаларни характерловчи катталиклар орасидаги миқдорий боғланишдан иборат бўлган ифодагадейилади.
8. Суюқлик ичига ботирилган жисм ўзининг ҳажмича оғирлиқдаги суюқликни сиқиб чиқаради ва унга шу катталиқдагикуч таъсир қиласи
9. Куч бирлиги.....
10. Иссиқлик алмашиниш натижасида жисмга бериладиган энергия миқдори..... дейилади.
11. Жисмларнинг инертлигини характерловчи физик катталик

12. Линза марказидан ўтувчиоптикдейилади.
13. Рус авиациясининг отаси
14. Жисмни ташкил қылган молекулаларнинг хаотик ҳаракати ва молекулаларнинг ўзаро таъсир энергияларининг ийғиндиндисигаайтилади.
15. кг/м³ қайси физик катталиктининг бирлиги?
16. Зичликни ўлчайдиган асбоб.....
17. Ҳажм ўлчов бирлиги
18. Суюқлик ёки газ ичиға ботирилган жисмга таъсир қилувчи итариб чиқарувчи куч
19. Кўзгалмас таянч атрофига айланана оладиган жисм
20. Оптик асбоблардан бири
21. Хусусияти жиҳатдан ҳам суюқ ҳам каттик жисм
22. Траектория узунлигига тенг бўлган катталик
23. Куч таъсирида жисмнинг шакли ва ҳажмининг ўзгариши
.....дейилади.
24. Траекториянинг маълум пайтдаги ва маълум нуқтадаги тезлиги
.....тезлик дейилади.
25. 1кг массали жисмга 1 м/с² тезланиш бера оладиган куч бирлиги
.....
26. Бир жисмнинг иккинчи жисм сиртида сирпанганда ҳосил бўладиган
ва ҳаракатга қарама-карши йўналган кучгадейилади.

Ж а в о б л а р:

1. Физик жисм. 2. Илгариланма ҳаракат. 3. Зичлик. 4. Инерция. 5. Куч. 6. Акселереометр. 7. Физик қонуният. 8. Архимед кучи. 9. Ньютон. 10. Иссиклик миқдори. 11. Масса. 12. Ўқ. 13. Жуковский. 14. Ички энергия. 15. Зичлик. 16. Ареометр. 17. Литр. 18. Архимед кучи. 19. Ричаг. 20. Микроскоп. 21. Аморф. 22. Йўл. 23. Деформация. 24. Оний тезлик. 25 Ньютон. 26. Ишқаланиш кучи.

Хулоса қилиб айтганда, дарсда ва тўғаракларда фойдаланилдиган дидактик ўйинли машғулотларнинг куйидаги афзалларлари мавжуд:

- ўқувчиларнинг билиш фаолияти ошади;
- энг долзарб муаммоларни ҳал килиш имкониятига эга бўлади;
- машғулот давомида ўқувчилар ўртасида ўзаро ёрдам, дўстона мунозара ҳосил бўлишига олиб келади;
- ўқувчилар тайёргарлик давомида дарслик, қўшимча адабиётлардан мустакил фойдаланадилар;
- ўқувчилар ўйин машғулотига катта қизиқиш билан тайёргарлик кўрадилар, натижада мустакил равишда янги билимларни эгаллаш самарадорлиги ортади;
- ўқувчиларнинг ўз билимини ва иқтидорини синааб кўришда, ўз-ўзини баҳолашда, касб танлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Физикадан дарс ва тўғарак машғулотларида янги педаого технологиядан фойдаланиш.

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 8-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси ПФН Ў.Султонова. Ангор иқтисодиёт коллежининг ўқитувчиси Б.Мейлиев.

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»

талабларидан бири таълим жараёнида янги педагогик технологияларни
қўллаш, тайёргарликнинг модуль тизимиidan фойдаланган ҳолда таълим
олувчиларни ўқитишни жадаллаштириш саналади.

Республикамиизда таълим жараёнида педагогик технологияларни кўллашга доир кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Ушбу муаммонинг илмий-назарий асослари, ҳар бир педагогик технологияни ўзига ҳос жиҳатлари ишлаб чиқилиб, етарли даражада тажрибалар тўпланди. Шу ўринда савол туғилади; педагогик технология атамасининг моҳияти нимада? «Технология» юононча сўз бўлиб, «techne»-маҳорат, sanъат, logos-тушунча ўрганиш

демакдир. Педагогик технология атамасига ҳар бир дидакт олим ўз нұқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф беради. Ҳали бу түшунчага ягона таъриф қабул қылымаган. Ушбу таърифлар ичида энг мақсадға мувофиқ ЮНЕСКО томонидан берилған таъриф саналади.

Педагогик технология-таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг инсон салоҳияти ва техник ресурсларини қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Г.К.Селевко томонидан таълим жараёнида қўлланиладиган технологияларни жамлаган бўлиб, уларнинг илмий-назарий методик асослари, таснифи ва амалиётга қўллаш механизми ёритилган.

Педагогик технология таълим амалиётида учта даражада қўлланилади.

- Умумий педагогик даража. Умумий педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг яхлит тизимлилиги, маълум бир регион, ўкув юрти томонидан узлуксиз таълим тизимининг муайян бир босқичдаги технологиянинг умумий қонуниятлари, илмий-назарий асослари, тамойиллари, амалиётда қўллашнинг умумий хусусиятлари шарт-шароитларини ифодалайди.
- Хусусий методик даража. Педагогик технологиянинг муайян бир предмет, курсни ўқитиш жараёнининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари, шаклларининг мажмуаси тушунилади.
- Локаль (модуль) даража. Таълим-тарбия жараёнининг маълум бир қисмининг хусусий дидакт ва тарбиявий мақсадини ҳал этишга қаратилган технология тушунилади.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган 3 та даражаси бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади.

Педагогик технологиялар мазмуни, моҳиятига кўра қўйидагича тавсифланади:

- шахс малакаси структурасига мўлжалланганлигига кўра;
- мазмуни ва тузилишига кўра;
- таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга кўра;
- таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахсининг тутган ўрнига кўра;
- хозирги замон таълим тизимида амал қилаётган анъанавий таълимни мазмунан янгилаш ва таълим жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартирилган технологиялар.

Ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатининг ўзига хос жиҳати ўқувчилар мустақиллиги ва ўкув фаолиятини тақиқлаш эмас, балки йўналтириш, ўкув фаолиятини бошқариш эмас, балки ҳамкорликда ташкил этиш, таълим олишда мажбурлаш эмас, балки ўқувчиларни ишонтириш, бирон-бир фаолиятни амалга ошириш буйруқ орқали эмас, балки шу фаолиятни самарали ташкил этиш, шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, имкониятларни чегаралаш эмас, балки эркин тинглаш ҳукуқини бериш саналади.

Машғулотларни ташкил этишда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланилган ҳолда ўқувчиларни мустақил фаолиятга йўналтириш натижасида зарур самарадорликка эришилди.

Дарс ва тўгарак машғулотларида билим олиш жараёни ўйин, мусобақа фаолияти билан уйғунлашди. Бундай машғулотларни дидактик ўйинли машғулотлар деб номланди.

Машғулотлар жараёнида:

- ўзаро ишончга асосланган талабчанлик;
- таълим жараёнини самарали ташкил этиб, ўқувчиларда қизиқиши ўйғотиш ва интилевчанлигини ошириш;
- ўқувчиларни билим олишга йўлловчи ҳамкорликка чакириш;
- мустақил ўкув фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ янги технологиялардан фойдаланишга эришилди. Шунингдек, ушбу технологиялар жумласига дидактик ўйин, муаммоли таълим, ҳамкорликда ўқитиш технологиялари ҳам киритилди.

Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилди.

Ўқувчилар машғулот давомида ўйин фаолияти орқали қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Ўйин орқали ўқувчиларнинг маълум бир фаолиятга бўлган қизиқиши ортади.
2. Ўқувчини ўз иқтидори қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишга имкон яратади.
3. Ўқувчини кийин жараёнда турли кийинчиликларни енгишга тайёрлайди.
4. Ўйин иштирокчиларида жамоа билан мулоқат маданияти шаклланади.

Ўйин билан боғлиқ фаолият ўзининг 4 та хусусияти билан ажralиб туради.

Эркин ривожлантирувчи фаолиятни вужудга келиши;

Ижодий мухитни таркиб топтириш (ўйин иштирокчилари тегишли ижодий ва мустақил фаолиятга эга бўлади);

Ҳис-ҳаяжон вазиятининг пайдо бўлиши (ўйин давомида ракобат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келади);

Ўйин вақтида белгиланган қонун-қоидаларга амал қилиниши.

Ўйин фаолиятининг таркиби қуидагилардан иборат:

- Ўйиндан кўзда тутилган мақсадни аниқлаш;
- Ушбу мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаш;
- Олинган натижларни таҳлил килиш;

Ўқитувчи дидактик ўйинли дарсларини ёки тўгарак машгулотларни ташкил қилишда қуидаги дидактик талабларга жавоб бериши керак.

1. Дидактик ўйинли дарслар дарсларида қайд этилган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад ва вазифалари хал қилишга қаратилган бўлиши керак.
2. Ўйин структураси маълум кетма-кетликда келиши.
3. Энг кам вақт сарфлаб катта натижага эришиш керак.

Тўгарак аъзолари ёрдамида қуидаги тартибда юкорида қайд этилган шартларга амал қилган холда ўйин дарсини ташкил этиш ишланмаси.

«Механика, молекуляр физика» бўлими бўйича «Зинама-зина» дидактик ўйин.

«Зинама-зина» ўйинини ўтказиш учун ўқитувчи ўқувчиларни рангли карточкилар ёрдамида тенг сонли кичик гурухларга ажратади. Ҳар бир кичик гурух учун сардорлар тайинланади. Сардорлар ўйин соволларини олиб, ўқувчиларга бирма-бир бериб боради. Тўгарак аъзолари 18 ўқувчидан иборат бўлганлиги учун 3 гурухга ажратилади. Ҳар бир гурухи 6 ўқувчи бўлиб, ҳар бир ўқувчи 4 та саволга жавоб бериши лозим. Саволлар қуидагича:

1. Жисмларнинг тенг вақтлар ичida тенг масофани босиб ўтиши?
2. Тезланишни ўлчайдиган асбоб нима?
3. Қандай усул билан полда турган одам ўзининг полга босимини икки баравар орттириши мумкин.
4. Пиёданинг тезлиги 5 км/соат, ёруғлик тезлиги 300000 км/с, товушнинг тезлиги 340 м/с деган ёзувлар нимани билдиради.
5. Тико автомобили 160 км/соат тезликка эга, кабутар тезлиги 16 м/с. Кабутар тико автомобилини кувиб ўта оладими?
6. 800 мм/с қанча м/с бўлади?
7. Қайнаётган сувнинг зичлиги каттами ёки унинг устида ҳосил бўлган буғнинг зичлиги каттами?
8. Ҳавонинг зичлиги 1,29 кг/м³ га тенг. Уни г/см³ да ҳисобланг.
9. Инерция қандай маънени англалади?
10. Эркин тушиш тезланишини аниқлаган олим ким?
11. Динамометрга юқ осинг ва динамометрни кескин пастга туширинг. Бундай ҳаракатда жисмнинг оғирлиги ўзгарадими?
12. Икки сиртни яхшилаб силлиқлаб, улар орасидаги ишқаланишини йўқотиш мумкинми?
13. Бир атмосфера қанча мм симоб устунига тенг?
14. Туташ идишга суюклик қуилди. Баландликлар фарқи қандай бўлади?
15. V, t, a, m, A, I, N катталиклари ичдан вектор катталикларни аниқланг?
16. Н·м қайси физик катталиларни билдиради?
17. Ричагнинг ўнг палласига 20 Н куч кўйилди, елкаси 5 см, иккинчи томонига 5 Н куч кўйилди, елкаси 20 см бўлса, ричак мувозанатда бўладими?
18. Нима учун иситгич батареялари дераза остига жойлаштирилади?
19. Йўл ва кўчиш тушунчаси қандай фарқланади?

20. Текис ва нотекис ҳаракатларда тезлик қандай бўлади?
21. Идиш ичидаги газ ҳажмини 2 марта орттириб, молекулалар сонини икки марта камайтирсак, молекулалар концентрацияси қандай ўзгаради?
22. Тагида таглик, бошида қалпок,
23. қалпок тагидан мўралаб чиқар. Бу нима?
24. Идеал газ ҳолат тенгламасини келтириб чиқариш учун қайси формула асос қилиб олинган?
25. Молекула сўзининг маъноси.

Саволлар ёнида тўғри жавоб ёзилганлиги сабабли гурух сардорлари ўқувчиларнинг жавобларини назорат қилиш имкониятига эга бўлади. Ўқувчилар хар бир тўғри жавоб учун 1 баллдан тўплаб жами 4 баллгача тўплашлари мумкин. Шундан сўнг ўқитувчи, ўқувчиларни тўплаган балига қараб қайта гурухлайди.

1-гурух учун саволлар.

1. Нима учун чақмоқ оний равишда бўлиб ўтадику, момақалдироқ узокроқ давом этади?
2. Сув сиртига 2 дона гугурт чўпи кўйинг улар орасига сувга совун эритмасидан томизинг, икки гугурт чўпи орасига қанд теккизинг тажрибани изоҳланг.

2-гурух учун саволлар.

1. N_1 ва N_2 қувватли двигателлар ўрнатилган юк автомобилларининг тезликлари v_1 ва v_2 . Агар автомобиллар бир-бирига трасс билан уланса, улар қандай тезлик билан юради?
2. Психрометрдаги қуруқ термометрнинг кўрсатиши 20°C , хўл термометр кўрсатиши эса, 10°C бўлса, ҳавонинг нисбий намлигини аниқланг.

3-гурух учун саволлар:

1. Тарозида сувли стакан мувозанатга келтирилган. Агар стакандаги сувга қаламни солиб, уни стаканга теккизмасдан қўлимизда ушлаб турсак мувозанат бузиладими?
2. Нима учун сув пардасининг остига кириб қолган қумурсқалар сувдан ташқарига чиқолмайди?

Ўқувчилар бу топшириқларни бажариб бўлганларидан сўнг, ўзаро савол-жавоб ўтказадилар, хар бир гурух ўз топширигини кўргазмали қуроллар, тажрибалар асосида баён этади. Топшириқларни бажарган кичик гурухлар рағбатлантирилади ва ғолиблар аниқланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бабанский Ю.К. Методика преподавания физики в средней школе. –М.: Просвещение. 1968. –199 с.
2. Кабардин О.Ф. Методические основы физического эксперимента. // Ж. Физика в школе. 1985. № 2. С. 3–9.
3. Sultanova O'.N. "Technology to improve the methods of teaching physics in higher education based on a competency approach (on the example of training technical engineers)". European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 7, Issue 11, 2020 https://ejmcm.com/article_5063_56a4b2ef9697a103d078725c3009bba7.pdf
4. Sultanova O'.N. Use of MathCad software in the preparation of students majoring in engineering. International Journal of Scientific and Research Publications, Volume 10, Issue 12, December -.:2020 й, 650-653 б. <http://gx.doi.org/>
5. Султонова Ў.Н. “Инновацион технология модели- таълимда юқори самарадорлик гаровидир.” Международной научной конференции “Актуальные вызовы современной науки”-.: 26-27 июня 2020 й, 407-409 б.
6. Султонова Ў.Н “Инновацион технология модели-таълимда юқори самарадорлик гаровидир” Международной научной конференции “Актуальные вызовы современной науки”.-:26-27 июня 2020г, 91-93Б.
7. Султонова Ў.Н. “Таълим технология инновацион модели”. “Техника ва технологик фанлар соҳаларининг инновацион масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжумани.-; 2020 йил 22 сентябрь. 407-410.Б
8. Пёришкин А.В. Физика ўқитиши методикаси асослар. – Т.: Ўқитувчи. 1990. – 320 б.
9. Юсупов А., Юсупов Р. Физикадан савол ва масалалар тўплами. –Т.: Ўқитувчи. 2000. – 646.